



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 18-iyun. Shanba

73 (31.349)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, бутунги кунда бутун дунёда «Ўзбек модели» деб ном олган ва эътироф этилаётган, урганилаётган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, бу борадаги янгилашни ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.



Қарор ва ижро

«Электрон ҳамён» афзалликлари

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг юксалиши, чакана савдо айланмаси ва аҳоли реал даромадларининг ошиши молиявий хизматлар бозорини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Пластик карточкаларни муомалага чиқаришни кўпайтириш тижорат банклари фаолиятининг устувор ва жадал ривожланаётган йўналишларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2010 йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондаги барча тижорат банклари «электрон ҳамён»лар бозорини ривожлантиришда фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олинган маълумотларга қараганда, қарийб 8 миллион дона пластик карточка муомалага киритилган, 86 мингдан ортиқ тўлов терминали ўрнатилган. Тижорат банклари савдо ва хизмат кўрсатиш пунктлари, йирик корхона ва ташкилотларда тўловларни узлуксиз қабул қилиш имконини берадиган қарийб 300 та банкومات ҳамда 500 дан ортиқ инфокиосклар ўрнатган.

«Ипотека банк» акциядорлик-тижорат ипотека банкида ҳар бир миждога алоҳида ёндашилаётгани, шунингдек, банкнинг ишончилиги ва барқарорлиги омонатчиларни ўзига жалб қилмоқда, — дейди «Ипотека банк»нинг бўйича бошқарма бошлиғи Улуғбек Раҳметов. — Банк ушбу турдаги хизмат бозорини мустақкам ўрин эгаллаб тургани боис шу йил 1 апрель ҳолати бўйича эмиссия қилинган карточкалар сони 730 мингтадан ошди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз маблағлар айланмаси ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2011 йилнинг 1 июнида терминаллар орқали 497 миллиард сўмлик транзакциялар амалга оширилган ва бу ўтган йилги кўрсаткичлардан 1,4 марта кўпдир.

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар тизими инфратузилмасини изчил кенгайтириш салмоқли натижалар бермоқда. Жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, иш ҳақи лойиҳаси доирасида 670 мингдан ортиқ карточка чиқарилди. Олмалик кон-металлургия комбинати, Бек-ободадаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ҳисорнефгаз» кўшма корхонаси ва бошқалар «Ипотека банк»нинг йирик миждозларидандир.

(Давоми 2-бетда.)



Шанхай ҳамкорлик ташкилоти:

натижалар сарҳисоби ва ҳамкорлик истиқболлари

2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цинтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Роза Отунбаева, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга кузатувчи мақомидаги давлатлар делегациялари раҳбарлари — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмади-

нежд, Покистон Президенти Осиф Али Зардорий, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Соманаҳалли Кришна, Мўғлистон Президенти маъмурияти раҳбари Баттулга

Дашжамс, раислик қилувчи мамлакат меҳмони си-фатига тақлиф этилган Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, шунингдек, БМТ, МДҲ, ОДКБ каби қатор халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирокчилар сафидан жой олди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлатлари томонидан 2001 йил 15 июнда асос солинган ШХТнинг 10 йиллик юбилей саммити ҳамдир.

Шу муносабат билан ушбу мажлис иштирокчилари босиб ўтилган ўн йилликда амалга оширилган ишларнинг сарҳисобини қилишга ҳамда истиқболдаги режа-

лар муҳокамасига катта эътибор қаратдилар. Мажлисда ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ШХТнинг ТАРИХИ ВА БУГУНИ

ШХТ ташкил этилган дастлабки кунлардан оштиради давлатлар ўртасида минтақадаги хавфсизлик, террористик ақларнинг олдини олиш, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

(Давоми 3-бетда.)

Эътироф

Тезкор замонда, ахборот асрида яшамолмаймиз. Ўзбекистонга уч йил илгари келган эдим. Шу қисқа вақтда катта ўзгаришлар юз берибди. Бу мамлакатингизнинг барқарор иқтисодий тараққиёти ифодасидир.

Ўзбекистон раҳбарининг бевосита камхўрлиги тўғрисида қишлоқ аҳолиси учун замонвий уй-жойлар қурилаётгани ибратли иш. Юртингизда инсон манфаатлари устуворлиги ҳар соҳада ва ҳар жабҳада яққол намоён бўлиб турибди.

Мамлакатингизда, хусусан, дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири Бухорода нобб осори-атиқаларни асраш мақсадида кенг кўламли таъмирлаш ишлари, уларни келгуси авлодларга етказишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани қувонарли.

Масжидаи Калон, Минораи Калон каби улғувор, маҳабатли обидалар олдида турибмиз. Ҳаммаси нақадар ажойиб... Бундай ёдгорликлар Бухорода кўп экан. Улар халқингизнинг бебаҳо маданий-маънавий мероси ва бойлигидир».

Рамбо ФИЛИП, дастурчи (Франция).

Янгилик

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси

Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида катта мақсадлар билан йўл олди



Бугун Мексикада ўсмирлар ўртасида (U 17) жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси илк бор иштирок этмоқда.

Футболчиларимиз дастлабки учрашувни 19 июнь кунини Янги Зеландия жамоасига қарши ўтказди. 22 июнда АҚШ, 25 июнда эса Чехия терма жамоаларига қарши баҳс билан гуруҳ босқичи якунланади. Ҳозирда Мексикада бўлиб турган терма жамоамиз вакиллари билан интернет орқали боғландик ва уларнинг қандай кайфиятда экани билан қизикдик.

⇒ 4

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеи

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мақсадида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи янги-янги қонунлар қабул қилинмоқда. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида фаолият кўрсатаётган демократик институтлар кўлами кенгаймоқда. Мамлакатимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ислохотлар ҳам муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

⇒ 2



Дилбар ХОЛИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзДП фракцияси аъзоси

Олди-қочди баҳс ясашдан мақсад нима?

Ундан кўра, Сайловолди дастурлар ижроси юзасидан фикрлашилса, тортишувлар йўлга қўйилса, фойдали ва маданиятли рақобат бўлади, деб ўйлаймиз

⇒ 2

Журналист ва жаҳон: тажриба, талқин

Мухбиримиз Лондон мэрининг велосипедада сайр қилди, Буюк Британия вазири маслаҳатчиси билан суҳбатлашди, кекса инглиздан миннатдорчилик эшитди

Ўзбекистон ҳамisha юрагимда

дейди Буюк Британия энергетика ва глобал иқлим ўзгариши вазири маслаҳатчиси

Буюк Британия энергетика ва глобал иқлим ўзгариши вазири маслаҳатчиси интервью ҳақидаги мурожаатимга рози бўлиб, учрашув вақтини белгилади. Расмий саволлардан бошланган суҳбатимиз қизгин гуруннга айланди...

⇒ 4

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 IYIL 14 IYUNDAN BO'SHLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1801,03	1 Миср фунти	287,60	1 СДР	2740,25	10 Жанубий Корея вони	15,73
1 Англия фунт стерлинги	2774,43	1 Канада доллари	1749,51	1 Туркия лираси	1083,65	10 Япония иенаси	212,42
1 БАА дирҳами	465,33	1 Хитой юани	263,47	1 Швейцария франки	2022,63	1 Россия рубли	61,49
1 АҚШ доллари	1708,92	1 Малайзия ринггити	563,26	1 Евро	2495,60	1 Украина гривнаси	214,32

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган фикрлар ва қонунчилик ташаббуслари асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун мамлакатимиз тарихида конституцион ривожланиш бўйича янги бир даврни бошлаб берди. Ўз навбатида ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократик ислохотларни муваффақиятли, изчил ва тизимли амалга ошириш, биринчи навбатда, сиёсий тизимни демократик модернизациялаш, партиялараро соғлом рақобатни тақомиллаштиришга кенг йўл очди.

Ислохотларнинг мунтазамлиги ва босқичма-босқич ўтказилиши қонунчилик базаси изчил мустақамлабил боришида намойён бўлмоқда. Қонун меъёрлари, ўз навбатида, жамиятимизнинг ижтимоий қатламлари манфаатини ўзида ифода этган сиёсий партиялар ва улар амалий рақобат олиб бориши учун мўътадил сиёсий майдонни вужудга келтирди.

Конституциянинг 78 ва 98-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партиялар учун конституцион ҳуқуқини кенгайтириш, шу билан бирга, ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, кўппартиявийлик тизими янада тақомил топиши учун қўлай имкониятлар яратяпти.

Эндиликда уларнинг асосий вазифалари қўлама кенгайди. Сиёсий партиялар парламентнинг Қонунчи-

лик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаш, ижроия ҳокимият раҳбари номзодини кўриш учун қурашади. Бу эса кундалик парламент фаолияти давомида рақобат асосида гоялар ва дастурий вазифаларнинг партиялараро курашини фаолаштиришга имкон беради. Шу тарих сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг сайловчилар хоҳиш-ислатини ифодловчи асосий институт сифатида ўз бурчини бажаради ва фуқаролар ҳокимиятга таъсир ўтказишига имкон туғдиради.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан партиялар сиёсий етуқликни юқори даражага етказиш, юрт тақдири учун масъуллиқни ўз зиммасига олиши, мамлакат ҳаётига дахлдор устувор вазифалар бажарилишини таъминлаши лозим. Биринчи ўринда, кучли сиёсий партия нафақат гоявий ва сиёсий хилма-хилликка эришади, айнаи вақтда салониқли парламентни шакллантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Бунинг учун, аввало, қонунлар лойиҳалари бўйича фракциялар ўртасида соғлом рақобат асосидаги курашни қўлайлаштириш лозим. Бинобарин, кўппартиявийлик тизимини яратиш партия тўзимларининг ижтимоий хилма-хиллигига эришиш мақсадида келиб чиқади. Қонунчилик палатасида фракциялараро рақобат муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида жуда ҳам зарур. Бир-бирига қарама-қарши бўлган муқобилликлар ва улар ўртасида танлаш имкониятлари мавжудлигига демократик тарққиётнинг аҳамияти жиҳати сифатида қаралади. Президентлик Қонунчилик палатасида турли сиёсий партиялар фракциялари ўртаси-

даги рақобат «Ҳеч шубҳасиз, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради», дея таъкидлаган эди. Шу маънода, сиёсий партиялар манфаатларини Қонунчилик палатасида ифода этиш учун фракциялараро кураш бўлиши мақсада мувофиқдир. Қонун лойиҳалари эса, кураш воситасидир. Сиёсий партияларнинг асосий вазифаларидан бири — халқ ишончини оқлаш. Президентимиз «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим» деб номланган китобидан уқдирганидек, «ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизидеда аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан гоялар муҳасаса бўлиши шарт».

Қачонки сиёсий партия ўз дастури ва аниқ ҳаракат йўлига эга бўлса, жамиятнинг барча қатламларида тарқадор топса, яъни умумий манфаатни қўласа ва шунга яраша астойдил кураша, нуфузли бўлиши, кўпчилик ишончини қозониши мумкин.

Бунинг учун нафақат ўз сиёсий платформаси, балки жиҳдий сиёсий дастури бўлиши керак, унда сиёсий гояси аниқ ва равшан таърифланиши, очиб берилиши лозим. Мазкур гоя жамиятнинг бугунги ҳолатини ўзида ифода этиши, стратегик мақсад ва унга эришиш йўллари кўрсатиб ўтилиши зарур. Ўз мақсадига эришиш учун сиёсий партиялар жамиятнинг негизига айлиниши даркор. Сайловчилар билан мунтазам равишда ва тизимли учрашувлар депутатлик ҳуқуқий фаолияти учун янги гоялар беради, оммавий ахборот воситалари билан узвий алоқа уларнинг фаолиятини рўёбга чиқаради.

Сиёсий партиялар жойларда кучли партия ташкилотлари воситасида ўз ишини ташкил этса, мазкур бўлинмалар орқали ижтимоий ҳаётда илдиэ отса, давлат раҳбарияти ва бошқаруви органлари фаолиятига амалий таъсир кўрсата олади. Давлатимиз раҳбари: «**Сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иктисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборни қаратиши керак**», дея бежиз уқдирётгани йўқ. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, сиёсий партиялар нафақат муаммоларни аниқлаши лозим, балки бу муаммолар ечимни бўйича асосли йўллари тақлиф этиши, халқнинг хизматини қилиши керак.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қўлайлаштириш тўғрисида»ги Қонунга ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Улар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаолиятини янада ошириш, вакилик ва ижроия ҳокимият органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол қатнашиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг сиёсий тизимини янада тақомиллаштиришда сиёсий партияларнинг тўлақонли ва фаол иштироки учун етарли даражада мустақам қонуний ва ҳуқуқий асослар яратилди. Сиёсий партияларнинг вазифаси эса бундан ўринли фойдаланишдан иборатдир.

Қарор ва ижро

«Электрон ҳамён» афзалликлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пластик карточкалардан фойдаланадиган мижозлар сонининг кўпайиб бораётгани сабабли уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ҳам ривожлантиришга катта миқдорда маблағ сарфланмоқда. Савдо-сервис пунклари, омонат ва коммунал кассаларда етти мингдан зиёд терминал, шунингдек, 16 та банккомат ва 59 та инфокиосклар ўрнатилди. Бугун «Ипотека банк» карточкалари кафе, дорихона, автомобилларга ёқили қўйиш шохобчалари, авиа ва темир йўл кассалари каби даярли барча савдо-сервис корхоналарида тўлов воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Банк мутахассислари ҳар бир терминал орқали амалга оширилаётган савдо айланмаларини мунтазам мониторинг қилиб бормоқда. Ушбу мониторинг натижалари бўйича самарасиз фойдаланилаётган ускуналар фаол савдо-сервис корхоналарига жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари, карточкалар эгаларининг фикрлари, шунингдек, банк билан иш ҳақи лойиҳалари бўйича шартномалар тузган корхона ҳамда ташкилотларнинг савдо масканларига яқин жойлашуви эътиборга олинмоқда.

Бугун кўпчилик фуқаролар вақт ва пулни тежайдиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси афзалликларини эътиборга этмоқда. «Электрон ҳамён» қўлайликларини тушунган ҳар бир одам энди ундан воз кечолмайди.

— Дастлаб фақат коммунал хизматлар ва болалар боччаси учун тўловларни пластик карточка орқали тўлардим, — дейди пойтахтлик Анвар Тошпўлатов. — Аммо бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоб имкониятлари анча кенгайди — даярли барча дорихоналар, кафе ва савдо жойларида карточка орқали қўлаб зарур нарсаларни сотиб олиш мумкин. Ҳар бир ҳудудда терминаллар, банккомат ва инфокиосклар ишлаб турибди. Пластик карточка жуда қўлай ва ишончли, ихчам: агарда уни йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйилган тақдирда ҳам хеч қим фойдалана олмайди, негаки унга тўрт рақамли сондан иборат код ўрнатилган.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб нафақат истеъмолчилар, балки дўкон, супермаркет, дорихона, кафе эгалари учун ҳам қўлай. Улар терминалнинг ўрнатилиши билан товар айланмаси анча ошганини таъкидламоқдалар. Бундан ташқари, давлатимиз томонидан терминал орқали савдо қилнадиган савдо корхоналарига солиқ имтиёзлари жорий этилган.

Ҳар қандай банк учун салмоқли кўрсаткичларга эришиш билан бирга мунтазам ривожланиш, мижозларга қўйилган тақдирда ҳам хеч қим фойдалана олмайди, негаки унга тўрт рақамли сондан иборат код ўрнатилган.

«Яна бир мақола «Адолат» 7 январь. «Куруқ қошиқ оғиз йиртар»да йиллик даромадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг уллуши 53 фоизга ташкил этаётгани учун аҳоли ўз-ўзидан ижтимоий ҳимояланиб қолётгани ҳақида фикр юритилган. Бу ҳам аслида «Адолат»нинг иши

точкасини инкассация қилиш имконини беради. Бу эса нафақат вақтнинг тежайиш, балки инкассация жараёнини бир неча баробар тезлаштириш имконини ҳам беради. Мазкур хизматдан фойдаланиш учун банкдан махсус қурилма олинса кифоя.

Уттан йили «Ипотека банк» тижорат банклари орасида биринчи бўлиб, Тошкент шаҳрида коммунал соҳада мобил терминалларни жорий этди. Аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарзларини қамайтириш мақсадида 315 та мобил терминал харид қилинди. Улар ёрдамида электр манбаи бўлмаган шароитда махсус кўчма сайёр кассаларга, айтилик, коммунал хизматлар учун тўловларни пластик карточкалар орқали тўлаш мумкин. Жисмоний шахслардан бундай терминаллар орқали қабул қилинган тўловлар ҳажми бир ойда ўртача 2,5 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Янги мониторинг натижалари бўйича самарасиз фойдаланилаётган ускуналар фаол савдо-сервис корхоналарига жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари, карточкалар эгаларининг фикрлари, шунингдек, банк билан иш ҳақи лойиҳалари бўйича шартномалар тузган корхона ҳамда ташкилотларнинг савдо масканларига яқин жойлашуви эътиборга олинмоқда.

Бугун кўпчилик фуқаролар вақт ва пулни тежайдиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси афзалликларини эътиборга этмоқда. «Электрон ҳамён» қўлайликларини тушунган ҳар бир одам энди ундан воз кечолмайди.

— Дастлаб фақат коммунал хизматлар ва болалар боччаси учун тўловларни пластик карточка орқали тўлардим, — дейди пойтахтлик Анвар Тошпўлатов. — Аммо бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоб имкониятлари анча кенгайди — даярли барча дорихоналар, кафе ва савдо жойларида карточка орқали қўлаб зарур нарсаларни сотиб олиш мумкин. Ҳар бир ҳудудда терминаллар, банккомат ва инфокиосклар ишлаб турибди. Пластик карточка жуда қўлай ва ишончли, ихчам: агарда уни йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйилган тақдирда ҳам хеч қим фойдалана олмайди, негаки унга тўрт рақамли сондан иборат код ўрнатилган.

Мамлакатимизда пластик карточкаларни ҳимоя қилиш механизмнинг яратилгани нақд пулсиз ҳисоб-китобни ривожлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айлинишини қамайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон банклар ассоциацияси хузурида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилган бўлиб, унда карточкаларни сохталаштириш ва улардан бегона шахсларнинг ноқонуний фойдаланиши билан товар айланмаси анча ошганини таъкидламоқдалар. Бундан ташқари, давлатимиз томонидан терминал орқали савдо қилнадиган савдо корхоналарига солиқ имтиёзлари жорий этилган.

Ҳар қандай банк учун салмоқли кўрсаткичларга эришиш билан бирга мунтазам ривожланиш, мижозларга қўйилган тақдирда ҳам хеч қим фойдалана олмайди, негаки унга тўрт рақамли сондан иборат код ўрнатилган.

Уттан йили банк сўмли пластик карточкалар бўйича янги DUET on line хизмат турини муваффақиятли жорий қилди. Бу хизмат мижозларга уйи ёки офисидидаги шахсий компьютерда интернет орқали ўз ҳисоб рақамидан фойдаланиш, ундаги пулни пластик карточкага ўтказиш, паролни ўзгартириш, тўловларни текшириш ва банк муассасасига бормасдан савдо кар-

А.ВОВАКИНА, ЎЗА МУХБИРИ.

Олди-қочди баҳс ясашдан мақсад нима?

Ундан кўра, Сайловолди дастурлар ижроси юзасидан фикрлашилса, тортишувлар йўлга қўйилса, фойдали ва маданиятли рақобат бўлади, деб ўйлайми?

Партиялараро баҳс-мунозаралардан, аввало, жамият манфаат кўриши лозим. Президентимиз бу масалага алоҳида урғу бериб, сиёсий партиялар ўртасидаги баҳс-мунозараларни жиҳдий, амалий рўхта бўлиши кераклиги ва партиялар ўзларининг аниқ, муқобил тақлифларини илгари суриши зарурлигини таъкидлаган эди. Ҳўш, бугунги баҳс-мунозаралар шу талабга жавоб бера олаётими?

Мамлакатимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги учун мустақам ҳуқуқий замин яратилган. Бу эса барча сиёсий партиялар учун бирдек аҳамият касб этади. Жамоатчилик фикри — сиёсий партияларнинг сиёсат майдонида ушлаб турувчи асосий куч ҳисобланади. Партиялараро соғлом баҳс-мунозаралар эса демократик жараёнларни чуқурлаштиришга ҳамда одамлар ва жамият манфаатига хизмат қилади. Афсуски, айрим партиялар ҳаётий масалалар юзасидан фикр айтиш, баҳслашиш ўрнига сунъий баҳс ясашга эъри бериб, обрў талашмоқда.

Бугун барча партиялар жамият раванқи учун хизмат қилиши зарур бўлган бир пайтда олди-қочди баҳс ясашдан мақсад нима? Бунинг ўрнига, Сайловолди дастурлар асосида баҳс юритиш маданиятли ва фойдали бўларди, деб ўйлайми?

Энди жонли мисоллар асосида фикримизни давом эттирсак. ЎзЛиДеПнинг нашри «Х1 as» газетасида шу йил 13 январь куни Қаҳрамон Сайдалиев билан Шўҳрат Раҳимовнинг «Лоқайдлик қимматга тўшмасмикан?» деган мақоласи эълон қилинди. Унда қуйидаги жумлалар бор: «...Афсуски, давлат дастурлари ва қонунлар ижросига масъул бўлган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидеги депутатлар ва улар мансуб бўлган сиёсий партияларнинг туманда олиб бораётган ишлари ҳам бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди. Хусусан, мазкур ҳудуддаги 30 та депутатлик ўринининг 14 тасини банд этган, аҳоли-

нинг ижтимоий ҳимоясига жавобгар Халқ демократик партияси вакилларининг «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабиллидаги фаолиятини ҳам изоҳлаш қийин. ...«Оқ олтин овози» газетасининг бош муҳаррири Абдурашид Пардаев таъкидлаганидек, нафақат ХДП, балки бошқа партиялар вакиллари ҳам мазкур масалада бирор тайинли ишларга қўл урмаяптилар» ва ҳоказо.

Эътибор беринг, айнан ЎзХДП хусусидаги танқид муаллиф тилидан берилгани ҳолда, қолган партиялар шу

гуруҳи томонидан сайловлар ўтгандан буюн ҳозирга қадар сайловчиларга берилган ваъдалар юзасидан туман Кенгаши сессияларида ҳеч қандай жуяли тақлиф ёки масала киритилмаган. Демак, депутатлар сукунатда...

Савол туғилади: лавозимдан келиб чиқиб, Ф. Уринов барча депутатлик гуруҳларига нисбатан объектив баҳо бериши керак эмасми? Умуман, бу каби фикрлар сайловчилар томонидан ай-тилади, ҳақиқатга яқинроқ бўлмайди?

Қолаверса, «депутатлар

ларга хос фикрлашга ўтганга ўхшайди. Бу ҳол социал-демократлар ўз гоя ва мақсадини ҳануз тўлиқ англаб етмаганини кўрсатмайдими? Афсус билан айтиш мумкинки, бу партия матбуот вакиллари, «пиармен»лари ана шу ишни ҳам охиригача эплай олмаяпти. Хусусан, сиёсий баҳслар давомида «арзон мақола», «ёзғирлишлар» каби сўзларнинг ишлатилиши пиар қондаларига ҳам, журналистика одобиға ҳам тўғри келмайди. Бундай усул билан одатда, тушунмайдиганлар олдида обрў топиш мумкин, холос.

ни ободонлаштириш, болалар спортини ривожлантириш масалаларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар...» дейилади. Мана шу мисоллар ҳам «Адолат» СДП ўз йўлини топа олмаганидан далолатдир.

«Адолат» СДП ўз йўлини топа олмаганидан далолатдир.

«Адолат» СДП ҳам қора пиардан унумли фойдаланиш ҳисобига сунъий обрў ортиришга интилмоқда. Одатда, «Адолат»даги танқидчилар негадир доим ЎзХДПни нишонга олади. Қизиқ, социалларда либералларга қарши бирон-бир жуяли савол туғилмаяптими? Ёки биз илгари айтиб ўтганимиздек, адолатчилар чиндан ҳам либералларга хос фикрлашга ўтганга ўхшайди. Бу ҳол социал-демократлар ўз гоя ва мақсадини ҳануз тўлиқ англаб етмаганини кўрсатмайдими?

кўринишдаги умумий тарзда танқид қилинмоқда. Биз бу гапларни келтириб, ўтган гапни қайта кўзгамоқчи эмасми. Бу ерда эътибор қаратиш керак бўлган бир жиҳат мавжуд. Мавзу талабидан келиб чиқиб, уни четлаб ўта олмадик. Таҳлил қилнадиган бўлсак, биринчидан, муаллиф шаклан ўз партиясини, умуман, депутатлик гуруҳларига фаолиятини танқид остига олаётгандек кўринас-да, моҳиятан, «нишон» бир томонга қаратилган. Ҳатто мақола баҳсга сабаб бўлса, «биз ўзимизни ҳам аямай танқид қилдик», деб вазиятдан чиқиб ҳам ўйланган. Лекин нега гап ўз партиясига келганда фикр объекти кескин ўзгартиш ясайди? Бундан англашилдики, танқид асосан ЎзХДПга қаратилган.

Шу йил 10 июнь куни «Адолат» газетасида эълон қилинган «Маҳаллий Кенгаш депутатлари сукунати» сарлавҳали мақола муаллифи (Илбё Шермурод) ҳам аини усулни қисман ўзгартириб қўлаган: «Қосон тумани ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи мутахассиси Фарўқ Уринов таъкидлашича, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик

сукунатда» дейиш эмас, «депутатлар сукунатда» деб ёзиш лозим. Сукут бу — химлик, сукунат эса борлиқдаги жимжитликдир. Бунинг фарқи бориш даркор. Ўз камчиликларига бошқани рўқан қилиш ЎзЛиДеПга аёнга қайланди. Жорий йилнинг 20 январь куни «Қарс икки қўлдан чиқади» деган мақола муаллифлари Озод Ражабов билан Наргиза Қаҳҳорова «синалган усулни» қўлашади. Мақолада бир тумандаги ахвол юзасидан асосан ЎзХДПни танқид қилишади. Лекин орадан кўп ўтмай мақоладаги маълумотлар уйдирма экани ошкор бўлди. Тегишли жойлардан ЎзХДП номига узрномалар келди. Шундан сўнг бир муддат ЎзЛиДеП нашри сукут сақлади.

«Адолат» СДП ҳам қора пиардан унумли фойдаланиш ҳисобига сунъий обрў ортиришга интилмоқда. Одатда, «Адолат»даги танқидчилар негадир доим ЎзХДПни нишонга олади. Қизиқ, социалларда либералларга қарши бирон-бир жуяли савол туғилмаяптими? Ёки биз илгари айтиб ўтганимиздек, адолатчилар чиндан ҳам либерал-

Шу газетаниннг 31 январь куни чиққан сонидеда Зоҳир Тўрақулвоннинг «Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган мақоласи эълон қилинди. Унда Қорақўйли қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси номидан бир фикр берилган: «...**Бу ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган маҳалладошларга зарур йўл-йўриқлар кўрсатиб, ҳуқуқий маслаҳат бериш, ижтимоий ёрдам пулларининг ўз эгаларига кечиктирмай тўланишини назорат қилиш, тўй маросимларни камхарж, замонавий ўтказиш мақсадаларида яққол кўзга ташланмоқда**».

Яна бир ўринда («Адолат» газетасининг 2011 йил 25 февраль сонидедаги «Фахрийларга муносиб ижтимоий ҳимоя» мақоласида) «Таъкидлаш жоиз, ўтган давр мобайнида «Адолат» СДПнинг етакчилари ва фаол аъзолари ўз фаолиятини ҳар томонлама жонлантириш билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўлаб-қувватлаш, қишлоқ ва маҳаллалар-

эмас, назаримда, бу давлатимиз олиб бораётган сиёсат меваси...

Негадир адолатчилар ЎзХДПни танқид қилгани ҳолда либералларга нисбатан доим «му тиллаб» ўтиратиқ. Бу, социал-демократик партиянинг либералларга хайрихоҳлиғи ёки юртимиздаги ижтимоий ислохотлардан кўнгли тўлмаётганидан далолати? Саволларнинг жавоби, оддий: пиар соҳасига сафарбар этилган мутахассислар, (баъзи ҳолларда ҳаммамиз ҳам), муҳим пиар қондаларини яши билмаймиз, касб этикисига тўлиқ амал қилмаймиз ҳиссиётларни жиловлай олаймиз. Малакасизлик мана шунга олиб келади.

Масаланинг ачинарли яна бир томони шундаки, бизнинг бундай услубдаги тортишувларимиз ҳозирдан одамларнинг гашини келтира бошлаганини тан олмоғимиз керак. Акс ҳолда бу каби баҳс-мунозараларнинг таъсири ҳам, фойдаси ҳам бўлмайди.

Алишер РАВШАНОВ, ЎЗХДП МК Матбуот хизмати катта референти.

Тайлоқда янги уйлар қад ростламоқда

Президентимизнинг қишлоқ жойларида янги намунавий лойиҳа асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш тўғрисидаги қарорига кўра Самарқанднинг 14 туманидаги 23 та мавзеда замонавий турар-жойлар қад ростлапти.



Жорий йилда Тайлоқ туманида ҳам 83 та замонавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Айни кунларда туманда «Қишлоқинвест» компанияси томонидан ўтказилган тендер танлови ақунларига кўра голиб эгитилган 8 та қурилиш ташкилотининг 400 нафардан зиёд қурувчилари шу мақсад йўлида меҳнат қилишяпти.

— Қурилаётган уйлар иқлим шароити инобатга олинган ҳолда пишиқ гиштдан, маҳаллий қурилиш материаллари асосида барпо этилмоқда, — дейди «Парвиз» хусусий қурилиш ташкилоти раҳбари Абдурафиқ Қаримов.

Турар-жойлар учун маҳаллий бюджетдан 7 миллиард сўм маблағ ажратилган. Хонадон эгалари ишининг бориши билан яқиндан танишмоқда. Ҳозиргача эътирозлар бўлмади. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уй-жойлар мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўз эгаларига топширилади.

Шунингдек, қишлоқ ёшларининг мукамал билим олишлариға етарли шароит яратиш мақсадида туманининг Борсин қишлоғида 280 ўринли мактаб биноси ҳам барпо этилмоқда.

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотлари:

натижалар сарҳисоби ва ҳамкорлик истиқболлари



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқаро майдонда фаол ташкилот сиёсат юритаётган Ўзбекистон бугунги кунда бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси ва асосчиларидандир. Улар орасида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига фаолият қамрови ва ўзига хос йўналишлари билан алоҳида ўрин тутаяди.

Таъвоуз ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини, Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдирини учун зиммасидидаги масъулиятни англаб, мамлакатимиз 2001 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланган.

ШХТнинг салоҳияти ва дунё ҳамжамиятида тугган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги маълумотларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

ШХТ таркибига кирувчи давлатларнинг худуди Евроосий умумий худудининг 61 фоизини, яъни 30,2 млн. км.кв.ни ташкил этади. Демографик жиҳатдан эса, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми ташкилотга аъзо давлатлар худудларида истиқомат қилади.

Сўнгги йилларда ташкилотнинг нуфузи янада юксалмоқда. Минтақанинг Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Мўғулистон каби давлатларининг ШХТга қизиқиши ортиб бораётганлигининг ўзи ҳам бунинг исботи бўла олади.

МДҲ, АСЕАН давлатлари, Афғонистоннинг ШХТ саммитларида тақлиф этилиши, Белоруссия, Шри-Ланка давлатларининг мулоқот ҳамкори сифатида эътироф этилиши ташкилотнинг истиқболдан дарак беради. Шунинг ҳам айтиш жоизки, Покистон, Эрон Ислом Республикаси ШХТга аъзо бўлиш истагида расман мурожаат қилган.

Жаҳон тақрибаси умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашишни самарали усули мустаҳкам ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. ШХТнинг ўз олдига қўйган вазифалари эса барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир.

2007 йилнинг 1 октябрида ташкилот Бош қотиби иштирокчи давлатларни ноқонуний гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашдаги ҳамкорликни фаоллаштиришга чақирди. Ушбу даврдан бошлаб бир неча антитеррор машғулотлар ўтказилди. Ўзбекистоннинг ШХТдаги биринчи раислиги даврида, 2004 йилда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор маркази ташкил этилди ҳамда унинг штаб квартираси Тошкентда жойлаштирилди.

ШХТ иштирокчи давлатлари ҳамкорлиги доирасидан маданий алоқалар ҳам муҳим ўрин олган. 2002 йил 12 апрелда Пекинда бўлиб ўтган маданий вазирларнинг йиғилишида бу ҳамкорликка тамал тоши қўйилди.

Илк даврида ўзаро хавфсизлик бўйича ҳамкорлик қилишни мақсад қилган ташкилот амалда ўша вақтнинг ўзидаёқ иқтисодий соҳада ҳам кенг ҳамкорликларни йўлга қўйди. Бир неча ой ўтиб, иштирокчи давлатлар ҳукумат раҳбарларининг Остонадаги йиғилишида мавжуд савдо-иқтисодий вазиятни муҳокама қилишда ҳамда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-инвестиция соҳасида қулай шарт-шароитларни яратишни йўлга қўйишдаги асосий мақсадлар ва йўналишлар борасидаги Меморандумга имзо чекишди.

Дарҳақиқат, ўтган ўн йил янги халқаро тузилманинг шаклланиш жараёнида муҳим босқич бўлди. Ушбу тарихан қисқа даврда ШХТ ҳозирги замон геосиёсатини белгилловчи муҳим омиллардан бирига айланди.

Утган йиллар мобайнида ШХТда замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма ишлари амалга оширишни, ШХТга аъзо давлатлар ва умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, социал-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. Шунингдек, ташкилотнинг институционал асоси шакллантирилди, тузилмавий орган-

лари барқарор фаолият кўрсатмоқда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, транспорт-коммуникация алоқаларини фаоллаштириш таъминланмоқда. Булар ташкилотнинг очкилиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далolatдир.

«Шу муносабат билан ШХТнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қиладиган қуйидаги омилларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Ислон Каримов. — ШХТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда минтақадар барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли қарорли сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, бу ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилаётган ва бажарилаётган вазифалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишидир.

Учинчидан, ШХТ давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилиқ қиладиган блок ҳусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлмоқда».

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо бераётган, дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегия аҳамияти, бой табиий ресурсларни тўғайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказига қолаётганини таъкидлади.

Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва оқойишликка раҳна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг 2008 йилнинг апрель ойида Бухарестда билдирган яққол муносабати яна бир бор мазкур нуфузли ташкилот минбаридан янгради.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётда таътиб этилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда ШХТ ҳузурида йиғирмага яқин иқтисодлаштирилган тузилмалар фаолиятини айтиш ўринли.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бутун дунё мамлакатларини қамраб олган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига элган ҳамкорлик алоқалари алоҳида эътиборга моликдир. Мазкур ташкилот билан ҳамкорлик кейинги йилларда, айниқса, қизгин тус олмоқда. ШХТ ва БМТ ўртасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, ШХТнинг БМТ ва минтақавий ташкилотлар ўртасида олий даражада бўлиб ўтадиган йиғилишлардаги иштирокидан, яъни 2003 йили Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган, мазкур мақомдаги йиғилишда иштирок этишидан бошланган эди.

2004 йилнинг февраль ойида ШХТнинг Ижроия қотиби (2007 йилдан буён ШХТнинг бош қотиби) БМТга расмий мурожаат қилгандан сўнг, 2004 йил 2 декабрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессиясида ШХТга Бош Ассамблея ҳузурида кузатувчи мақомига тақдим этилиши бўйича резолюция қабул қилинди. Халқаро ташкилотларда кузатувчи мақоми, одатда, аъзо бўлмаган давлатларга ёки ташкилотнинг органига аъзо бўлмаган давлатларга тақдим этилади. Улар асосий мажлисларда иштирок этиш ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2005 йилда БМТ Бош қотиби ШХТ Ижроия қотибига расмий хат йўллаб, уни 2005 йилдаги Бутунжаҳон олий даражадаги учрашув ишида иштирок

этишга ва БМТ Бош Ассамблеясининг 60-юбилей сессиясида кузатувчи сифатида иштирок этишга тақлиф этди. ШХТ Ижроия қотиби Чжан Дегуан 2005 йил 16 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблея сессиясида ўз нутқи билан иштирок этди.

ШХТ ва БМТ ўртасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, мазкур ташкилотларнинг тузилмавий органлари доирасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик шаклида ҳам ривожланиб бормоқда. ШХТ БМТнинг ЭСКАТО, БМТРД каби тузилмалари билан халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик олиб бормоқда. 2008 йилнинг январь ойида ШХТ ва ЭСКАТО Котибиялари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг муайян шакллари ва соҳаларини кўзда тутувчи ўзаро тушуниш тўғрисидаги Меморандум, имзоланди. Мазкур Меморандумда, шунингдек, биргаликда фаолиятни амалга оширишни таҳлил қилиш мақсадида ва алоқаларни янада фаоллаштириш йўллари тўғрисида экспертлар маслаҳатлашувларини ва муҳокамаларини ҳамда ўзаро манфаатларни акс эттирувчи ахборотлар алмашуви келишиб олинган.

Ўзбекистон ва ШХТ

Ўзбекистон ўзининг ШХТдаги иштирокига улкан масъулият билан ёндашади. Мамлакатимизнинг 2004 ва 2010 йилларда мазкур ташкилотга раислик қилгани, Ўзбекистон ташаббуси билан ушбу ташкилот фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлар, жумладан, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш, ШХТ процедуралари қондаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

ШХТнинг республикамиз манфаатлари билан ҳамоханг яна бир жиҳати, унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида намоён бўлади. Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Таъкидлаш лозимки, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор маркази (PALC) Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотдаги биринчи раислиги даврида, 2004 йилда ташкил этилган, унинг штаб квартираси эса Тошкентда фаолият кўрсатиб келмоқда.

БМТ ва ШХТ қотибиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация ҳам айнан Ўзбекистоннинг ташкилотга иккинчи бор раислик қилаётган даврида ишлаб чиқилди ва имзоланди.

2009 йил октябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамида органларини таъинлаш Олтинчи қўмитаси мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг раиси сифатида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси делегацияси БМТ ва ШХТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш лозимлигини қайд этиб ўтди.

2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош қотибининг Ўзбекистонга ташрифи жараёнида, Ўзбекистон ташаббуси нафақат мамлакатимизни мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги масалаларини қамраб олди, балки мазкур ташриф чоғида минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва БМТ Бош қотиби мулоқоти якунида БМТ билан ШХТ Котибиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Ушбу декларация нафақат Ўзбекистон, балки барча ШХТга аъзо давлатларнинг дипломатик фаолиятларини кенгайтиришга янги имкониятлар ашигини очганлигини эътироф этиш лозим.

Икки нуфузли ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик Марказий Осиё мамлакатлари миллий манфаатларига, минтақадар хавфсизлик ва тинчликка таҳдид солаётган халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм, ноқонуний наркотрафик, каби иллатлар, Орол муаммоси, иқлимнинг ўзгариши каби минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишда давлатлар фаолиятларини яна-

да самарали мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Истиқбол

Саммит якунида ШХТ доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Утган даврда ШХТ фаолиятининг асосий натижалари ва ютуқларини, аъзо давлатларнинг минтақа ва дунёдаги бугунги вазиятга қарашларини, шунингдек, минтақадар хавфсизлик ва устувор йўналишларда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб муаммолар ечимига ёндашувларини акс эттирган Ўн йиллик декларацияси қабул қилинди.

Шунингдек, 2011-2016 йилларга мўлжалланган Антинаркотик стратегия ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ШХТ мақомида наркотиклар билан боғлиқ таҳдидларни бартараф қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2010 йилда Тошкент саммитида тасдиқланган ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми асосида Ташкилотга давлатларни қабул қилиш процедурасини тартибга солиш мақсадида ШХТга аъзо мамлакат мақомига олиш учун ариза берган давлатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги намунавий меморандум имзоланди.

ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар билан битим имзоланди. Бу битим томонлар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва сифатини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фавуқлода вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорликни назарда тутди.

Ўзбекистон ШХТ мақомида миллий ва трансгегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШХТга аъзо давлатларнинг Европа Иттиқоғи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хитойнинг ШХТ Тараққиёт банкни тузиш тўғрисидаги тақлифи амалга оширилишини муҳим, деб ҳисоблайди. Бу Ташкилот доирасида социал-иқтисодий ва инфратузилмага оид устувор лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп томонлама меҳанизминини шакллантиришга йўналтирилган, аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни янада самарали бажариш имконини беради.

Бу борада жорий йилнинг апрель ойида Ашхобода имзоланган Ўрта Осиё – Форс кўрфазини янги халқаро транпорт йўналишини шакллантириш тўғрисидаги давлатлараро битимнинг ҳаётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Истиқболда бу йўлак ШХТ мақомига ерусти йўллари орқали Форс ва Уммон кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари анжуман якунларини сарҳосиб қилар экан, «барчамиз учун долзарб бўлган муаммолар юзасидан очик ва конструктив фикр алмашув натижалари ҳамда нарқобизнесга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва ШХТни кенгайтириш бўйича бугун қабул қилинган қарорлар Ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги қадам бўлади», деб ишонч билдирди.

Саммитда ШХТга раислик Хитой томонига ўтди. Давлат раҳбарлари Хитой Халқ Республикасининг ўз раислиги даврини ШХТ мақомида «Янги қўшничилик ва дўстлик йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўлаб-қувватладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини доирасидаги ҳамкорлик борган сари ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда. Бу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий соҳаларни янада кенроқ қамраб олаётганида, жўррофий чегараларнинг кенгайиб бораётганлигида, ҳамкорлик алоқалари халқаро-ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланаётганлигида, ташкилот фаолиятида кенг халқ оmmasининг бевосита манфаатдорлиги ошиб бораётганлигида намоён бўлмоқда.

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
юрдик фанлар номзоди,
сиёсатшунос.
Абдулхай МҲМИНОВ,
юрдик фанлар номзоди,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доцентлари.

Государственное унитарное предприятие «Ташкент Халқаро Аэропорти»



ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР:

«По предоставлению аэропорту «Ташкент» комплекса услуг по содержанию в чистоте Блока вылетающих пассажиров и Нового терминала местных воздушных линий»

Ориентировочная площадь убираемых помещений составляет: 16 914м².

В тендере могут принять участие отечественные компании и организации любой формы собственности, действующие на рынке РУз не менее 3 лет.

Заявки на тендер принимаются по адресу: Узбекистан, 100167, г. Ташкент, ул. С. Толипова, 13. Тендерная комиссия, 1-3 ДА аэропорта. Телефон/факс: 140-29-99, 140-29-91.

Претендентов, желающих предложить свои услуги, просим присылать запросы, связанные с предоставлением сведений и материалов, касающихся тендерной документации, на электронный адрес: Anna Degtyarenko@uzairways.com или по факсу (+99871) 140-29-91.

Инструкция участника тендера будет предоставлена вам бесплатно по указанному в запросе электронному адресу или телефону.

Заявки на Инструкцию участника тендера будут приниматься до 22 июня 2011 г.

Прием тендерных документов и коммерческих предложений будет проводиться до 28 июня 2011 г. включительно.

Дополнительную информацию можно получить по телефону: (+99871) 140-29-29, контактное лицо — Дегтяренко Анна Васильевна.

Инструкция участника тендера выдается только по заявке, поданной в письменной форме.

Тендер проводится с 29 по 30 июня 2011 года.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«САМАРҚАНД РУДАКИЙ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2011 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ АЪМИЙ ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Мирзақишлоқ ҚФЙ Мерганча маҳалласи худудида «Самарқанд Рудакий» ШК учун «Автошобекат» қуриш	361 951 254 сўм	301 626 045 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари «Самарқанд Рудакий» шўъба корхонасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нарҳларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: — «Самарқанд Рудакий» шўъба корхонаси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уй, телефон: (8366) 233-11-49.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг мажбуриятини ўқиб кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишшоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўнималарга ҳамда шартнома-лар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз

пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинмади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлаб, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нарҳларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**

Танлов савдосидаги қўшимча маълумотлар: **Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги бизнеснинг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

Шоҳмат

Пойтахтимизда шоҳмат бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон кубоги (чемпионати) минтақавий саралаш мусобақаси ниҳоясига етди.



Муҳаммад Амин (УЗА) олган сурат.

Антон Филиппов жаҳон кубоги мусобақасига боради

Эркаклар ўртасидаги мусобақада 9 имкониятдан 7,5 очко жамғарган халқаро гроссмейстеримиз Антон Филиппов жаҳон кубогига бериладиган биринчи йўлланмани қўлга киритди. Иккинчи йўлланмага эса 6 тадан очко тўплаган Муртаза Кожгалиев (Қозғоғистон), Андрей Квон (Ўзбекистон), Кирилл Кудеринов (Қозғоғистон) ва Жаҳонгир Воҳидов (Ўзбекистон) даъвогарлик қилишди.

қўлга киритиши мумкин эди. Бироқ, сўнгги турда ҳамюртимиз Сарвиноз Курбонбоева ютқазиб қўйди. Натижада сўнгги турда дуранга эришган қозғоғистонлик Мадина Давлетбоева 6,5 очко тўплаб, саралаш мусобақаси голиби ва ягона йўлланма эгаси бўлди. 6 тадан очко жамғарган Гулмира Давлетова (Қозғоғистон) ва Нафиса Мўминова (Ўзбекистон) 2-3-ўринларни эгаллади. Нафисага мусобақанинг биринчи турида мағлубиятга учрагани панд берган бўлса, Сарвинозга бир оз тажриба ва омад етишмади. Муҳими, иккала шоҳматчимиз ҳам сўнгги турда голиблик учун кураш олиб боргани тахсинга сазовор.

Афсус МҮМИН

Болалар спорти ривожини қўллашда замин ҳозирлаштириш

Қўбилбек Зухриддинов Чиноз тумани Яллама қишлоғидаги 23-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси. У мактабда очилган яққақураш тўғрагида устози Маъруф Отажонов кўл остида шуғулланаётганига кўп бўлгани йўқ.

Лекин унинг спортдаги ютуқларини қишлоқдошлари яхши билади, тенгдошлари унга ҳавас билан қарашади. Чунки, Қўбилбек ўзбек жанг санъатидан Ўзбекистон чемпиони, таэквондо бўйича 60 кг вазнлилар орасида Ўзбекистон биринчилиги ва Таразда ўтказилган халқаро мусобақанинг кумуш медали совриндори.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси

Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати катта мақсадлар билан йўл олди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Алексей Евстафеев, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда футбол жадал суръатлар билан ривожланаётгани терма жамоаларимиз қайда эътибор натижаларда ҳам ўз аксини топмоқда. 2003 ва 2009 йилларда ёшлар терма жамоамиз жаҳон чемпионатида иштирок этганди. Энди эса ўсмирлар терма жамоаси бу натижани тақдирлади. Утган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё чемпиолатида иштирокчи бўлиб бизни қизғин қўллаб туришди. Чемпионатда иккинчи ўринни эгаллаб, мундиал йўлланмасини қўлга киритишимизда уларнинг хисаси катта бўлганди. Биз ҳозир Мексикада ҳам мухлисларнинг меҳрини қис эътиямиз. Уларнинг ишончига оқлаша астойдил ҳаракат қиламиз.

Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантаналар Президентимиз бизнинг жаҳон чемпионатида иштирок этишимизни алоҳида таъкидлади. Мексика сафари эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, ЎФФ президенти Мираброр Усмонов бизга Юртбошимизнинг эзгу тилакларини етказди. Буни эътиборга олиб мураббийлар штабидан тортти футболчиларга ҳаммамиздаги масъулият ҳисси икки баробар ошганини ҳис этдик.

Аббос Махстаиев, терма жамоа сардори: — Мексикага вақтларок келганимиз боис бу ердаги иқлимга тўлиқ мослашиб олдик. Ҳозир машғулотларда катта куч билан ишлаялмиш. Дикқат-эътиборни 19 июнь кунини бўлиб ўтадиган Янги Зеландияга қарши учрашувга қаратганмиш.

Ўсмирларимизнинг Янги Зеландия ва АҚШ терма жамоаларига қарши учрашуви Тошкент вақти билан 01:00 да, Чехия билан ўйин эса 04:00 да бошланади.

Агар чемпионати галаба билан бошласак қолгани нисбатан осон кечади. Асосий мақсадимиз мундиалда ўзимизнинг энг яхши жиҳатимизни намойиш этган ҳолда Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиш.

Терма жамоамиз 14 июнь кунини Мексикада маҳаллий «Сантос Лагуна» клуби билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Унда футболчиларимиз 2:0 ҳисобида галаба қозонди. 32-дақиқада Тимур Ҳақимов ҳисобини очди. Иккинчи бўлимининг 68-дақиқасида айнан Тимур Ҳақимовнинг ўрнига майдонга тушган Нодирхон Камоловга нисбатан қўполлик ишлатилди. Белгиланган пенальтини жамоа сардори Аббос Махстаиев аниқ амалга оширди. Бу натижа вақтларимизнинг янги-янги галабаларга илҳомлантириши шубҳасиз.

Терма жамоамизнинг мундиалдаги ilk рақибини Янги Зеландия терма жамоаси ҳам ўйинга астойдил тайёрланмоқда. Океанияликлар ўртоқлик учрашувида «Реал Солт Лейк» клубининг ўринбосарлар таркибига қарши тўп суриб, 2:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Учрашувдан сўнг Янги Зеландия терма жамоаси бош мураббийи Аарон Мак-Фарленд: «Рақибимиз кўпгина жиҳатлари билан Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйин услубини эслатиб юборди. Ўзбекистонликлар тўп билан кўп муомала қилишни ва ташаббусни ўз қўлида ушлаб туришни ёқтиради» деди.

Афсуски, мундиалнинг ilk учрашувини Осиё чемпионатининг финал ўйинида қизил картонча олиб майдонни тарк этган Сардор Раҳмонов ва Аббосбек Махстаиев дисквалификация туфайли ўтказиб юборди.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳ баҳсларида дастлабки икки ўрин-



Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

ни эгаллаган терма жамоа кўчиган-тўри плей-офф босқичига йўл олади. 3-ўринни эгаллаган жамоалар ичида энг яхши натижага эга тўртта жамоа ҳам кейинги босқичда қатнашади. Бу йилдан бошлаб плей-офф босқичида асосий вақтда дуранг қайд этилса қўшимча вақт белгиланмайди ва футболчилар ўйин туғашини пенальтилар сериясида

иштирок этишади. Биз миллионлаб футбол мухлисларимиз номидан мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоасига Мексика вилоятларида амалда бўлишини ва Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға билан қайтишини тилаймиз.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Терма жамоамиз аъзолари:

ДАРВОЗАБОНЛАР

Ганишер Холмуродов, «Машъал» (Муборак) Абдумавлон Абдулжалилов, «Пахтакор» (Тошкент) Сергей Сморodin, «Пахтакор» (Тошкент)

ҲИМОЯЧИЛАР

Сардор Раҳмонов, «Машъал» (Муборак) Жавлон Мирабдуллаев, «Бунёдкор» (Тошкент) Муҳсинжон Убайдуллаев, БУСМ (Қўқон) Мирзамурод Жўрабоев, «Насаф» (Қарши) Равшанжон Ҳайдаров, РОЗК (Тошкент) Асилжон Мансуров, ФМИ (Янгийер) Ҳасан Аскарлов, «Бунёдкор» (Тошкент)

ЯРИМ ҲИМОЯЧИЛАР

Аббосбек Махстаиев, РОЗК (Тошкент) Сардор Собирхўжаев, «Пахтакор» (Тошкент) Давлатбек Ербеков, БУСМ (Фарғона) Бобур Давлатов, «Машъал» (Муборак) Азизбек Муротов, «Бухоро» (Бухоро) Холмурод Холмуродов, «Машъал» (Муборак) Диёр Усмонхўжаев, РОЗК (Тошкент)

ҲУҶУМЧИЛАР

Тимур Ҳақимов, «Пахтакор» (Тошкент) Жасурбек Ҳақимов, РОЗК (Тошкент) Нодирхон Камолов, РОЗК (Фарғона) Забиҳлло Уринбоев, «Бунёдкор» (Тошкент)

Журналист ва жаҳон: тажриба, талқин

Ўзбекистон ҳаминша юрагимда

дейди Буюк Британия энергетика ва глобал иқлим ўзгариши вазирини маслаҳатчиси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Докторлик ишини Кембриж университетида ёқлаган суҳбатдошим ўзининг илмий изланишлари доирасида атроф-муҳитга антропоген таъсирини камайтирувчи инновацион технологияларни тажрибадан ўтказиб баҳолаган. Ана шу изланишлари натижаси ўлароқ йирик халқаро ташкилотлардан ҳам, давлат тизимидан ҳам тақдирлар бўлди.

— Вазирликдаги иш жуда қизиқарли ва масъулиятли. Ҳар бир иш кунимиз натижасини мамлакат келажагига, миллионлаб кишилар ҳаётига таъсир қилади. Мен ишлаётган гуруҳ ҳулосалари вазир учун тайёрланадиган тавсиялардан иборат ҳужжатга киритилади. Улар мамлакат учун, Буюк Британия статусини ҳисобга олганда, бутун дунё учун аҳамиятли бўлган қарорлар қабул қилишга асос бўлади. Келажакни шакллантириш — жуда қизикarli вазифа, — ўз талловини шундай изоҳлайди у.

Суҳбатдошим мамлакат иқтисодининг муҳим соҳаси — электрэнергетикага йўналишидаги ҳукуматнинг инвестицион ва инновацион дастурлари бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда, техник иқтисодий ишланмалар яратилиши ва ҳулосалар тайёрлашда иштирок этади. Шунингдек, электр ишлаб чиқарувчи йирик компанияларни ўз ичига олади-ган вазирлик гуруҳи ишини

ҳам бошқаради. — Турли тадбирлар учун нутқ ва парламентдаги деббатлар учун савол-жавобларни тайёрлаш муҳим вазифаларимиздан бири, дейди ҳамсуҳбатчи. — Ушбу тадбирларда ҳукумат қарорлари натижада мамлакатни қандай ўзгаришлар кутаётганини билдириш имконияти бериллади. Ислохотлар мазмунини ҳаммага тушунарли тилда, нотўғри талқинларга ўрин қолдирмайдиган тарзда аниқ етказиш лозим. Чунки бундай тадбирларда доимо матбуот ходимлари ҳозир бўлишади, янгилик бош сарлавҳага чиқиси мумкин.

Гуруҳимизда матбуотда эълон қилинган мақоаларни йиғиб, ҳар кун бу ҳақда ҳисобот тақдим этувчи ҳодимимиз бор. Агар қайсибир нашрда ҳукумат дастури нотўғри талқин қилинган бирон-та хабар чиқиб қолгудек бўлса, айнан ўша нашрда чиқадиган изохини 24 соат ичида тайёрлаб беришимиз керак. Акс ҳолда аҳолида пайдо бўлган салбий муносабат туфайли ўтказилаётган ислохот, дастур келажик ҳавф остида қолиши мумкин.

Қаҳрамонимиз ҳар кунини камидан икки учрашувда иштирок этади. Бу кун бўйи тимимиз ҳаракат дегани. — Вазирлик биносининг ҳар қаватида битта бўлим жойлашган. Ҳар бир қават 150-200 столга мўлжалланган кенг офисдан иборат. Столлар сони ходимлар сонидан анча кам, аммо кун бўйи учрашувларда, ҳаракатда бўлишимизни назарда тутсақ, бу ноқулайлик тугдирмайди. Ҳар бир иш ўрнидан кун давомида навбатма-навбат интенсивларда доимо матбуот ходимлари ҳозир бўлишади, янгилик бош сарлавҳага чиқиси мумкин.

Ҳамсуҳбатчи тасвирлаган иш шариоити бизга бирмунча ғайриоддийроқ туюлган бўлиши мумкин. Аммо унинг таъкидлашича, бундай вазиятда ходимлар орасида ўзаро мулоқот учун яхши имконият пайдо бўлади ва иш самарадорлиги ошади.

Энергетика ва глобал иқлим ўзгариши вазирини маслаҳатчисининг иш тартибини ўқиб бироз зерикмадингизми? Буни бекорга батафсил тушунтираётганим йўқ. Суҳбатдошимиз Юлия Тимошкينا бизнинг ҳамюртимиз. Юлия 24 ёшида докторлик ишини қилаётганида беш мамлакатда яшаб, ишлаб улгурган эди: Тошкент-



Билимларим, фаолиятим бир кунини Ўзбекистонга ҳам фойда келтирса, мендан бахтиёр одам бўлмайди, — дейди Юлия Тимошкينا.

даги 189-мактабни аъло баҳо-лар билан тугатди, Москва давлат университетида бакалавр даражасини олди. АҚШ давлат департаментининг стипенди-яси бўйича Америка университетида бир йил тахсил олди, Нидерландияда эса университет ҳаётида фаол иштирок этдим, шарқий Европа бўйлаб саёҳат-га чиқдим. Бу регион менинг қарашларимга мос эканини сездим, бунинг устига олган билимларимни амалда қўллаш вақти ҳам келган эди, бу ерда 8 йилдан бери ушланаётганимнинг сабаби ҳам шу.

— Менга сайру саёҳат қилиш жуда ёқадди, — дейди Юлия. — Аммо шунчаки томоша қилишни эмас, маҳаллий аҳолига, урф-одатларга қўши-либ-қориблиб яшашни истай-

дигина қизга айланади қола-ди.

— Яқинда унаштирилдим, дейди у. — Туй кунини белги-лаш қолди, холос.

Юлиянинг қаллиги Натан Кембриж университетида докторлик ишини ёзаяпти, мутахас-сислиги нейробиолог. Натан Ўзбекистон тарихига қизиқиб қолган, унинг китоб жавониди Амир Темур ва бош-қа тарихий сиймоларимиз ҳақида ўнлаб китоблар пайдо бўлибди. Тез кунларда Буюк ипак йўлининг бир қисмини саёҳат қилиш, Тошкент, Бухоро, Хива, Самарқандда бў-лишни режалаштирганлар. — Қаерда бўлмай, умрим-нинг энг мусаффо, беташвиш даври — болалигим ўтган Ўзбекистон ҳаминша юрагимда, — дейди Юлия хайрлашаётганимизда. — Туғилган юртим қўшимчи, тоғларини, ҳавосини, мевалари ҳидини эслаган-нида, кўмсаганимда беихти-ёр хурсинаман.

Ўзбекистонда бўлаётган кат-та ўзгаришларни кузатиб бор-ялман, эътирофларни ашилта-ман. Мутахассислигим тақозоси-га кўра келгусида ҳам йирик халқаро ва давлат лойиҳалари асосида ишлайман. Билимла-рим, фаолиятим бир кунини Ўзбекистонга ҳам фойда кел-тирса, мендан бахтиёр одам бўлмайди.

Шарофат ЙҮЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири. Буюк Британия, Лондон.

Миллий матбуот марказида

Вазият қатъий назоратда

Мамлакатимиз ҳудудида эпидемик ва эпизоотик хавфсиз-ликни мустаҳкамлаш ва бу борада барқарор вазиятни таъминлаш мавзусида ташкил этилган матбуот анжумани Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан тегишли хизматлар билан ҳамкорликда амалга оши-рилаётган профилак-тик чора-тадбирларга бағишланди.

Айни пайтда давлат чегара-сини кесиб ўтиш жойларида, авто, авиа ва темир йўлларда фаолият юритаётган санитари-рия-назорат ва ветеринария карантин пунктлари ҳолатини ўрганиб чиқиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда олиб борилаётган тадбирлар-ни назорат қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилган Эпидемияга қарши штаб билан маълумот алмашинуви йўлга қўйилган. Худудий эпидемия-га қарши штаблар фаолияти назоратга олиниб, улар тар-кибига Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ходимлари киритилган.

Худудий бошқармалар томонидан масъул хизматлар билан ҳамкорликда ёз мавсуми-да вабо, ўткир ошқозон-ичак касалликлари билан касалла-ниш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тегишли про-филактик чора-тадбирлар ре-жалари ишлаб чиқилиб, ижро этилмоқда.

Давлат санитария-эпидеми-ология назорат марказлари-нинг мутахассислари билан биргаликда шаҳар ва туман-лардаги мавжуд барча сув то-залаш ва тақсимлаш иншоот-ларида тоза ичимлик сувини тайёрлаш ва узатиш техноло-гияларига риоя этилиши ҳола-ти ўрганиб чиқилмоқда.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОБ-ҲАВО 18-19.06.2011

Table with columns for location, current temperature, and forecast temperature. Locations include Toshkent, Samarqand, Nukus, etc.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2002 йилда Мавлуда Исмаиловна Ахмедова номига берилган №1103 рақамили № В098320 серияли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Footer containing MUASSIS, Bosh muharrir: Safar OSTONOV, TANHIR HAY'ATI, BO'LIMLAR, MANZILIMIZ, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, Navbatchi: Temur XUDOVBERDIYEV, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV, ISSN 2000-7633, and other publication details.